

«Катта фикҳ энциклопедияси» китоби нашр қилинди



08:31 / 13.09.2020 1842

Жорий йилнинг 12 сентябрь куни «Азон китоблари» нашриёт-матбаа бирлашмаси томонидан «Катта фикҳ энциклопедияси» китобининг 1-жилди тақдироти бўлиб ўтди. Тақдиротда лойиҳа раҳбари Мубашшир Аҳмад, энциклопедиянинг таржимонлар жамоаси раҳбари Абдулҳодий Фиёс, олима Одинахон Муҳаммад Содик иштирок этдилар.

Лойиҳа раҳбарининг маълумотларига кўра, «Катта фикҳ энциклопедияси» замонавий даврдаги энг йирик фикҳий энциклопедия бўлиб, у ҳижрий ўн учинчи асрга қадар Ислом ҳуқуқшунослиги меросининг замонавий ва ҳужжатлаштирилган шаклидир. Ҳозирга қадар унинг жилдлари 45та бўлиб, ўзбек тилида 47 жилдда нашр этилиши режалаштирилмоқда.

Таъкидланишича, ушбу китобни нашр қилишда Ислом оламида кўзга кўринган 200 нафарга яқин таниқли уламолар раҳбарлик қилишган. Китобнинг нашр этилиши 40 йил давом этган. Молиявий қийинчиликлар бўлишига қарамасдан, бой мамлакатлардан ҳисобланган Қувайт давлати бу ишни ўз зиммасига олади ва 1965 йилда бошланган иш 2005 йилда яқунланган.

«Китобнинг бутун дунёда фақат урду тилига таржима қилинган варианты бор эди. Шу пайтгача китобни бир қатор туркий мамлакатлар таржима қилишга уринишган. Аммо бу иш охирига етмай қолган. Аммо, Алҳамдулиллаҳ, биз иккинчи бўлиб китобни ўзбек тилига таржима қилишга улгурдик», деди лойиҳа раҳбари Мубашшир Аҳмад.

Китоб таржимонлари жамоаси раҳбари Абдулҳодий Фиёс сўзларига кўра, таржима жараёнлари 5 йил аввал бошланган.

«Таржимонларни турли жойлардан йиғдик. Ниҳоят таржима ишлари ҳам бошланди, аммо жуда қийналдик. Чунки қандай услубда таржима қилишни танлаб олиш қийин бўлди. Ҳатто китоб нашр қилинишига оз қолганда рад қилган таржималаримиз ҳам бўлди.

Таржимонлар ташқаридан туриб бизга таржима қилиб бериб туришди. Бу ердаги алоҳида таржимонлар гуруҳи келган таржималарни қайта текшириб чиқиш билан шуғулланишди. Китобга домла Луқмон Бўрихон муҳаррирлик қилди», дея таъкидлади Абдулҳодий Фиёс.

Маълум қилинишича, ушбу фикҳий энциклопедия тартибининг соддалиги, масалаларнинг берилишида бир хил йўналиш танланганлиги билан ўқувчида ундан фойдаланиш самарасини оширади. Шунингдек, ҳамма мазҳабларни ўзида қамраб олганлиги, мазҳабларда далилларнинг келтирилиши ва қиёсий таҳлил қилиниши билан ҳам ажралиб туради.

Ушбу китоб асосан мутахассисларга тавсия қилинади. Лекин бошланғич диний тушунчага эга бўлган зиёли инсонлар қатлами ҳам бу китобни бемалол ўқиб тушуна олади.

«Китоб илк нашрларининг биринчи кунлариданоқ уни турли қатламдаги кишиларга ўқиттириб кўрдик. Хулосамизга кўра, бошланғич диний таълим ва Ислом ҳақида тасаввурга эга инсон учун жуда ҳам манфаатли китоб бўлади», деди лойиҳа раҳбари Kun.uz га берган интервьюсида.